

Йил сарҳисоби

Тошкент вилояти: фаровон ҳаёт ва юксак марралар умиди



Зойир МИРЗАЕВ, Тошкент вилояти ҳоқими, сенатор

Яна саноқли кунлардан сўнг 2024 йил ҳам тарихга айланади. Одатда, йил сўнигида ўтган кунларни сарҳисоб қилиш, уларга реал ва ҳаётий хулосалар яшашнинг ҳосияти каттадир. Бу, кўп жиҳатдан, келгуси йилдаги мақсад-вазифаларни аниқ чамалаш ҳамда тўғри белгилаш имконини беради.

Поёнига етаётган йил дунёда бир қадар синовли, таҳликали воқеа-ҳодисаларга тўла бўлганидан барчамиз яхши хабардоримиз. Бутун инсоният бир заминда яшар экан, дунёнинг ҳали у, ҳали бу нуқтасидаги турли сиёсий қарама-қаршиликлар, иқтисодий бўҳронлар ҳеч қайси давлат ва жамият ҳаётига таъсир этмай қолмайди, албатта. Кўпни кўрган халқимиз бу жараёнларни чуқур идрок қилиб, вазминлик билан кузатар экан, бугунги тинч ва осуда кунга шуқроналик, эртанги кунга янада масъулият ва дахлдорлик ҳисси билан қараши табиийдир.

Глобал дунёдаги мана шундай мураккаб бир вазиятга қарамай, ўтаётган 2024 йилни бутун халқимиз учун файзли ва баракотли йил бўлди, дейишга асосларимиз етарли. Хурматли Президентимизнинг узоқни кўрувчи, миллий манфаатларимизга тўла уйғун сиёсатлари, халқимизнинг муштарак мақсадлар йўлида бирлашиб, фаровон ҳаёт учун азму шижоат билан одимлаётгани эришяётган ютуқларимизнинг мустаҳкам қафолати бўлмоқда, десак асло муболага бўлмайди.



Ислоҳот ва истиқбол



Яна саноқли кунлардан сўнг катта қувонч билан Янги йилни қарши оламиз. Бу байрам бугуннинг мақсад ва режалари билан янада шуқули ва аҳамиятлидир. Шу маънода, бизнинг салоҳиятли меҳнат жамоамиз ҳам поёнига етаётган йилни улкан меҳнат ютуқлари билан яқунлаётгани ва Янги йилда бундан залворли марралар сари дадил одимлаётгани билан фахрланишга тўла ҳақлидир.

САНОАТИМИЗ ТАРИХИДА МИСЛСИЗ НАТИЖАЛАР

Шубҳасиз, 2024 йил комбинатимиз тарихида алоҳида шонли саҳифа бўлиб қолади. Жорий йилда комбинатимиз ташкил топганининг 75 йиллигини катта тантана билан нишонладик. Президентимизнинг маъzur сана муносабати билан жамоамизга йўллаган табриклари барчамизни бениҳоя гурурлантириш билан бирга, олдимизда турган шарафли ва мураккаб вазифаларни бекаму кўст рўёбга чиқаришда қудратли куч ва ишонч бағишлади.

Шубҳасиз, 2024 йил комбинатимиз тарихида алоҳида шонли саҳифа бўлиб қолади. Жорий йилда комбинатимиз ташкил топганининг 75 йиллигини катта тантана билан нишонладик. Президентимизнинг маъzur сана муносабати билан жамоамизга йўллаган табриклари барчамизни бениҳоя гурурлантириш билан бирга, олдимизда турган шарафли ва мураккаб вазифаларни бекаму кўст рўёбга чиқаришда қудратли куч ва ишонч бағишлади.

3

Шуқуҳ

Президент совғаси — болажонлар қувончи



Шу кунларда юртимиз бўйлаб Янги йил шуқуҳи кезиб юрибди. Бу эртақнамо байрамда Президент совғасини ҳаммадан ҳам кўра болажонлар ўзгача иштиёқ билан орзиқиб куттишади. Шу муносабат билан Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларида театрлаштирилган "Президент арчаси" байрам томошалари ўтказилмоқда.

4

Муъжизалар ҳам бўлган байрам

Тошкент вилоятининг бош арчаси атрофида тантаналар бошланди. Эътиборлиси, катта арча 28 мингдан зиёд зумрад уйинчоқлар билан безатилган. Майдонга эса яна кўшимча 22 дона кичик арча ва 200 га яқин безакли элементлар ҳам ўрнатилган.



"Nurafshon Business City" худудида қад ростлаган бош арчанинг очилиш маросимида вилоят ҳоқими Зойир Мирзаев бошчилигидаги сектор раҳбарлари иштирок этди. Тадбир доирасида аҳоли, айниқса, ёшларга байрам кайфиятини улашиш мақсадида Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган 300 нафар Қорбобо ва Қорқиз шаҳарининг марказий кўчалари бўйлаб юриб байрам тантаналарига файз бағишлади.

муҳтож, боқувчисини йўқотган оила фарзандларини ҳам йўқлаб боради. Байрам барча худудларда кўтаринки руҳда ўтмоқда.

Тадбирда турли кўнгилочар уйинлар, эртақ қаҳрамонларининг чиқишлари барчага ўзгача шуқуҳ бахш этди.

Маълумот учун, вилоятда байрам сайиллари 2025 йилнинг 5 январига соат 10:00 дан 22:00 га қадар давом этади.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Нурафшон шаҳри марказидан бош арчага бепул транспорт қатнови йўлга қўйилган.

Ўз муҳбиримиз Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар



Янги йил

Тўйғу

Меҳру муҳаббатга ташна кўнгилни Ҳатто дақиқалар айлар экан зор. Бир ўзим билурман, ҳар янги йилни Қанчалик кутанман бўлиб интизор.

Ундан омонликни кутдим аввало, Сўнера осойишта онларни кутдим. Бир қултум сув билан бир ютум ҳаво, Тандирдан узилаан нонларни кутдим.

Кутдим, набралар бўлишсин, деб жам, Ҳар бирин лабида табассум қалқсин. Ёғсин оппоқ қор ҳам гулллаб шу дам, Қишининг кўёши ҳам ялтираб балқсин.

Кўни қўшилару дўсту биродар Бир-бирин кутласин қувонча тўлиб.

Кекса-ёш бағрини очиб баробар Йилни қарши олсин жамулжам бўлиб.

Гина-қудуратлар орқада қолсин, Янег ярагандай бу вужуд — бу тан. Севиб ва авайлаб бағрига олсин Ҳар битта фарзандин шу она Ватан.

Самовий нур билан чулғансин юрак, Шоирлар байтида умидбахш нақл. Ахир, ортиқчалик қилмаса керак, Кибрга чегара, нодонга ақл.

Бўлса пешонада даврини сурсин, Бандаси умрини эртмасин исроф. Қўзичоқ уч-тўрт кун уйноқлаб юрсин, Чўпон ва чўлиқдан кетмасин инсоф.

Жомга шароб қуйсанг лиммо-лим тўлғай, Таега тўқилғай ундан ортиги. Виждон ҳар лаҳзада қўриқчи бўлғай, Насибанг — тақдиринг тухфа, тортиги.

Учар осмонларда бахт деган бир қуш, У юртлар устида қанотин қоқсин. Ғам-таъвиш гўёки босириқ бир туш, Бесамар хаёллар суварга оқсин.

Кичкинтой набирам талпалар менеа, Шу соат у билан эрурман тенгкур. Қуллуқ айтажакман, тириклик, сенга, Берган куну учун Танарига шукур.

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон халқ шоири



Йил давомида давлатимиз раҳбари вилоятимизга бир неча бор ташриф буюриб, жойларда ислохотлар мароми билан танишганлари, халқимиз билан мулоқот қилиб, фаоллар билан учрашиб, зарур тавсия ва йўл-йўриқ кўрсатганлари – ютуқ ва камчиликларни бирма-бир таҳлил қилиб ўтказиб олишимиз учун жуда катта имконият бўлди.

Хусусан, шу йилнинг 14-15 октябрь кунлари вилоятимизда бўлган давлатимиз раҳбари ҳудудларнинг ҳар томонлама ривожланиши, бунёдкорлик ишлари, ишбилармонлик муҳити, меҳнатсевар аҳолимизнинг тадбиркорлик салоҳияти, одамларнинг яшаш шароити, кайфияти билан яқиндан танишди. Шу билан бирга, бу тарихий ташриф мамлакатимизнинг эртанги истиқболи, халқимизнинг фаровон ҳаёти учун хизмат қиладиган ўта муҳим лойиҳаларга тамал тоши қўйилгани билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, Президентимиз ташриф давомида вилоятимизнинг нафақат 2025 йилги дастурини, балки яқин беш йилликдаги ҳаракат мезонларини ҳам аниқ рақамлари ва муддатлари билан, масъуллар ва йўналишлар кесимида белгилаб берди. Бунинг учун 22 та шахар ва туманларни ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 19 та, Президентнинг 4 та махсус қарори қабул қилинган

қўлам касб этиб бораверади. Образли қилиб айтганда, бугун Бўстонлик Тошкент вилоятининг сайёҳлар учун ўзига хос “ташриф қоғози”га айланиб улгурди.

## МИЛЛИАРДЛАР... СЎМДА ЭМАС, ДОЛЛАРДА

Кейинги етти йилда вилоятимизда қарийб 9,4 млрд. долларлик инвестициялар ўзлаштирилиб, 143 мингдан ортиқ иш ўрни ва 5 млрд. долларлик экспорт имконияти яратилди.

Бу суръатни асло сусайтирмай, янада юқори натижаларга олиб чиқиш учун 2024-2026 йилларда жами 26 млрд. долларлик 125 та лойиҳа режалаштирилган. Уларнинг 21 таси стратегик, 52 таси тармоқ, 52 таси ҳудудий аҳамиятга моликдир. Бу ташаббуслар натижасида 42 мингта иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Қўлай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити сармоялар ҳажмининг ошиши, илғор технологияларни кенг жорий этишга хизмат қиладигани эътиборли. Масалан, 2018 йилда вилоятда жами 20 млн. доллар ин-

қишлоқ хўжалигида фойдаланилмоқда. Ҳар гектарга тўғри келадиган даромад ҳам бошқа жойларга нисбатан, афсуски, камроқ. Буни очиб-ойдин тан олишимиз керак. Айниқса, Бекобод ва Оҳангарон шаҳарлари, Оқўрғон, Чиноз, Пискент туманларида қайта ишлаш даражаси паст. Озиқ-овқат хавфсизлиги, мева-саб-завотлар экспорти ҳам имкониятимизга яраша эмас. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш, савдо ва турли хизматлар, бандлик масаласи, тиббиёт, таълим ва бошқа ижтимоий соҳаларда бор имкониятларимизни тўлалигича ишга соловганимиз йўқ ҳали...

Шу сабабдан ҳам, юқорида тилга олганимиз – муҳим ва тарихий ҳужжатларда туман ва шаҳарларни келгуси беш йил ичида комплекс ривожлантириш, имкониятларни тўлиқ ишга солиш борасида манзилли режалар, аниқ механизмлар ишлаб чиқилган. Унда ҳар битта йўналиш ва соҳаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Биринчидан, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масаласига, жумладан, ичимлик суви таъминотини яхшилашга умумий ҳисобда 7,8 трлн. сўм, шундан 2025 йилда 1,5 трлн. сўм, 2026 йилда 1,6 трлн. сўм маблағлар йўналтирилиб, ичимлик суви таъминоти 84 фоизга етказилади.

Электр таъминотини яхшилашга 558 млрд. сўм, газ таъминотини яхшилашга ва тежамкор технологияларни

ликда 63 фоиз, Чинозда 64 фоиз...

Шундан келиб чиққан ҳолда, 2024-2025 йилларда 2 та янги давлат мактабгача таълим ташкилоти қурилади, 17 та боғча реконструкция қилинади.

Бундан ташқари, давлат томонидан бериладиган 32 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ҳисобига 257 та хусусий мактабгача таълим ташкилотлари барпо этилади.

Барчамизга яхши маълум, тиббиёт соҳасида бугунги кунда асосий эътибор бирламчи тиббиёт бўғинини янги босқичга кўтариш орқали касалликларни эрта аниқлашга қаратилган. Ўтган йиллар тажрибаси бу ёндашув нақадар тўғри бўлаётганини тасдиқлайди.

Шундан келиб чиқиб, 2025-2026 йилларда тиббиёт соҳасига 5,8 трлн. сўм маблағ ажратилмоқда. Бунинг 5,7 трлн. сўми бюджет, 75 млрд. сўми халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобланади. Шундан 61 млрд. сўм 12 та касалхонани таъмирлашга, 33 млрд. сўм жиҳозлашга йўналтирилади. 4 та оилавий шифокорлик пункти, 6 та оилавий поликлиника таъмирланади.

Бундан ташқари, 75 нафар шифокорни соҳада илғор бўлган чет элларга юбориб, тажриба ва малакасини ошириш ҳам режамизда бор.

## КАМБАҒАЛЛИКДАН – ФАРОВОНЛИК САРИ

Бу, шунчаки, баландпарвоз шиор эмас. Бугун шу тоифадаги аҳолини камбағалликдан чиқариш шахсан давлат раҳбарининг сиёсий иродаси ва мардонаворлиги билан умумхалқ ҳаракатига айланаётган ташаббусдир.

Йил бошида вилоятда камбағаллик даражаси 10,2 фоизни (78,8 минг оила) ташкил қилган бўлса, бугунги кунда 16,9 мингта оила камбағалликдан чиқишга му-

# Тошкент вилояти: фаровон ҳаёт ва юксак марралар умиди

кўзда тутиладиган масалаларнинг нақадар қўламдор эканини аниқлади. Эътибор қиляспизми, ҳар бир туман ва шаҳарни ривожлантириш учун алоҳида ҳужжат қабул қилинди. Бунақаси ҳали бўлмаган эди.

Энг муҳими, ҳар бир чора-тадбирнинг пировард натижасини таъминловчи асосий омил – молиявий манбаси аниқ. Биргина 2025-2026 йилларда ҳудудларимиз рағнаки учун 50 трлн. сўмдан зиёд маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

## САЙЁҲЛАР УЧУН “ТАШРИФ ҚОҒОЗИ”

Биламизки, Тошкент вилояти пойтахтни олтин халқадек қуршаб туради. Юртимизнинг олис-яқин манзилларини бир-бирига боғлайди. Бу жиҳатдан вилоятимизни бутун мамлакатимиз тақдирига туташ бўлган муҳим чорраҳа, десак ўринли бўлади.

Вилоятимиз ҳам тарихий, ҳам географик имкониятларига қўра, хорижлик сайёҳу ишбилармонларни ўзига қорлаб келади. Шу боис вилоятимизга келадиган, воҳамизнинг гўзал табиати ва ҳушманзара жойларидан баҳраманд бўлувчи меҳмонлар учун шарт-шароитларни яратиш бирламчи вазифаларимиз сирасига киради. Шуниси қувонarliки, ўтган давр мобайнида хорижлик турист ва маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш, уларга қўлай муҳит яратиш борасида қилган ишларимизнинг натижаси бирин-кетин буй кўрсатмоқда.

Айниқса, “Тошкент – Ҳўжакент” йўналишида янги электропоезд қатновининг йўлга қўйилгани, ўйламанки, кўпчиликнинг дилидаги иш бўлди.

Декабрь ойининг бошида Юртбошимиз мазкур электропоезднинг илк йўловчиси сифатида вилоятимизга келиб, транспорт, энергетика ва туризм соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишганларидан хабарингиз бор.

Шу ташриф асосида Бўстонлик туманида инфра-тузилмани яхшилаб, йилнинг барча фаслида мароқли ҳордиқ чиқариш имкониятларини кенгайтириш юзасидан гоят муҳим тақрифлар ўртага ташланди.

Умуман, кейинги йилларда Бўстонликда дам олиш, соғломлаштириш, чанги, саёхат, умумий овқатланиш тармоқларини замон талаблари асосида шакллантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, беш йил аввал туманда 2 минг 240 ўринли 26 та маскан бўлган бўлса, шу даврда соҳага 2 трлн. сўмдан зиёд инвестиция киритилиб, 13 мингдан кўп ўринга эга 59 та йирик туризм иншооти ишга туширилди. Асосий автомобиль йўли таъмирланиб, қўшимча йўللار қурилди.

Буларнинг натижасида туризм жадал ривожланди, ташриф буюрувчилар 12 баробарга ошди. Жумладан, беш йил олдин Бўстонликда йилга 850 минг сайёҳ келган бўлса, бу йил 11 ойнинг ўзида 12 млн. киши ташриф буюрган. Бу, ўйламанки, катта натижа.

Чирчиқ дарёси бўйида қарийб 25 гектар майдондаги мажмуада 16 та кўп қаватли уй, 3 та меҳмонхона, 2 та супермаркет, 60 дан зиёд савдо ва маиший хизмат шаҳоналари, кафе ва ресторандар, банк офиси, аквапарк, мусикали фаввора, автотурагаргоҳларни ўз ичига олган “Чорвоқ дарвозаси” туристик мажмуаси қурилмоқда. Шунингдек, Бўстонлик туманининг ўзида “Ugam River” туристик мажмуаси ҳам барпо этиляпти. Илгари бу маскан тўла фойдаланилмаган, тошлоқ жой эди. Бу йил 1 трлн. сўмликдан зиёд лойиҳа доирасида қарийб 14 гектар майдонда қурилиш бошлаб юборилди.

Бундай лойиҳалар бундан кейин ҳам салмоқ ва (Давоми. Бошланishi 1-саҳифада)

Сўнгги етти йилда Тошкент вилоятида катта ўзгаришлар бўлди. Ҳудуд иқтисодиёти 1,5 баробарга ўсиб, ўтган йили 119 трлн. сўмлик қўшилган қиймат яратилди, тадбиркорлар 16 мингтага кўпайиб, 170 минг доимий иш ўрни очилди. 6 миллиард долларлик 826 та янги саноат корхонаси ишга тушди, 5 миллиард долларлик экспорт бўлди. Буларнинг натижасида ўтган тўрт йилда 70 минг, бу йилнинг ўзида 19 минг оила камбағалликдан чиқарилди.

вестиция ўзлаштирилган бўлса, ўтган 2023 йилда бу рақам 1 млрд. долларга етди. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналар сони ҳам йил сайин ортиб, ҳозирда 1 минг 700 тани ташкил этмоқда.

Ўрни келган экан, бугунги кунда вилоятимизда 20 млрд. 360 млн. долларлик 91 та хорижий, 4,5 млрд. долларлик 28 та маҳаллий инвестиция лойиҳалари бўйича иш олиб борилаётганини мамнуният билан таъкидлашни истардим.

Аҳоли ва иқтисодиёт ўсиши билан энергия манбаларига талаб кўпайиши табиийдир. Масалан, сўнгги тўрт йилда Тошкент вилоятида электр истеъмоли 20 фоизга ортган. Бу борадаги танқисликни қоплаш мақсадида умумий қиймати 1,5 млрд. доллар, қуввати 805 мегаваттдан ортиқ бўлган 5 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

## ҲАРАКАТ ВА ИМКОНИЯТЛАР НИСБАТИ

Умуман олганда, сўнгги етти йилда вилоят иқтисодиёти 1,5 баробар ўсгани, саноат корхоналари 2 баробар кўпайиб, 12 мингтага етгани барчамизни қувонтиради. Бироқ тан олиш керак, аслида имкониятларимиз бундан анчагина кўп.

Буни давлатимиз раҳбари 10 декабрь куни Тошкент вилоятида қўшимча имкониятларни ишга солиш, иш ўрни ва инвестицияни кўпайтириш масалалари бўйича ўтказган йиғилишларида ҳам алоҳида қайд этиб ўтди.

Масалан, жами ерларимизнинг бор-йўғи 25 фоиз

қўллашга эса, 152 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

Очиги, пул бор дегани ҳали иш битди дегани эмас. Уни тўғри ва мақсадли сарфлаш, ўрнига ишлатишни таъминлаш керак. Бу нафақат раҳбарлар, балки кенг жамоатчилик, фаоллар, депутатлар назорати билан эришиладиган иш. Биз шу муҳим вазифани ўз муда-тида, оқилонча уддаласак, кўпимиз сонли истеъмогчилар, демакки, халқимиз кайфиятида катта ижобий ўзгариш беришига шахсан мен ишонаман.

Иккинчидан, йўллар масаласига жиддий эътибор қаратилади. Тошкент вилоятида охириги йилларда йўлларимиз шахсан Юртбошимиз томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига анча яхшиланди. Лекин, шунга қарамадан ҳали бу соҳада қиладиган ишларимиз қўла-ми катта.

Мисол учун, 107 км. халқаро аҳамиятдаги, 700 км. маҳаллий, 3,4 минг км. ички йўлларимиз таъмирталаб бўлса, 286 та кўприк ноҳор аҳволга келиб қолган.

Мазкур масалаларни ҳал этиш учун: 2025-2026 йилларда ички йўлларни таъмирлаш харажатларига 3,2 трлн. сўм, халқаро аҳамиятдаги йўлларни таъмирлашга 1 трлн. сўмдан кўпроқ маблағ сарфланади. Таъмирталаб ҳолга келиб қолган жами 24 та кўприкни тиклаш учун 76 млрд. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Учинчидан, тиббиёт, таълим соҳаларига жиддий эътибор берилади. Маълумки, вилоятимизда ҳозирда йилга ўртача 12 минг нафар ўқувчи сафга қўшилмоқда. Бу бир йилда шунча ўқув ўрни яратишимиз керак, дегани.

Мазкур талабдан келиб чиқиб, 12 та мактаб янги-дан қурилади, 57 та мактаб реконструкция қилинади ва 32 та мактаб муқаммал таъмирдан чиқарилади. Бу харажатларга эса, кейинги икки йил ичида 828 млрд. сўм маблағ йўналтирилади. Натижада, 2025 йилда 27 мингта, 2026 йилда 31 мингта ўқувчи ўрни яратишга эришамиз.

Шунингдек, ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг ўз иқтидорини намоён қилишга шароит яратиш борасида ҳам алоҳида режаларимиз бор. Жумладан, 2025 йилда 28 минг нафар мактаб, 11 минг профессионал таълим, 18 минг нафар олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади.

Модомики, гап таълим-тарбия ҳақида бораркан, мактабгача таълим йўналишини тилга олмай илож йўқ. Зотан, бу Президентимиз иш бошлаган илк йилдаёқ кун тартибига қўйилган, ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайдиган масаладир.

Тошкент вилоятида боғча ёшидаги болаларнинг умумий қамров даражаси 73,4 фоизни ташкил қилади. Бироқ, афсуски, баъзи туманлар мисолида олсак, бу кўрсаткич бундан ҳам пастлигича қолмоқда. Масалан, Янгийўлда 57 фоиз, Ўрта Чирчиқда 62 фоиз, Бўстон-

ваффақ бўлиб, бу рақам қарийб 7 фоизга тушди. 2025 йил якунига қадар 4 фоиз атрофида бўлади, деган ҳисоб-китобимиз бор.

Бунда, биринчи навбатда, уларни тўлиқ хатловдан ўтказиш орқали хоҳиш-истакларини инobatта олиб, 87,5 мингта хизматлар пакети шакллантирилмоқда. 30 минг кишини иш билан таъминлаш, 8 минг талабгорни ўқитиш, 17 минг эҳтиёжмандага кафолатланган тиббий хизмат, 32,5 минг фуқарога бошқа турдаги ижтимоий хизматлар кўрсатиш шулар жумласидандир.

Шунингдек, оила аъзоларини қайта ўқитиб, даромадли касбага йўналтириш, тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишга устуворлик берамиз.

Шу мақсадда, қиёда ўтказилган хатловлар орқали вилоятимиздаги инфратузилмаси оғир ва ривожланишдан орқада бўлган 100 та маҳалла ажратиб олинди.

Уларнинг 96 тасида томорқани суғоришда сув етишмаслиги, 95 тасида кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун электр таъминотида, 84 тасида йўллар ҳолатида муаммолар борлиги аниқланиб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунинг ўзига давлат ҳисобидан 122 млрд. сўм маблағ йўналтирилади.

Бундан ташқари, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 43 минг (5 йилда 214 минг) нафар хотин-қизни касба ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш, олий таълимга ўқишга қабул қилинган 150 нафар қизларимизнинг тўлов контрактларини тўлаб бериш ва бошқа турдаги моддий қўллаб-қувватлаш масалаларини назарда тутяпмиз. Бир оиладан камида бир нафар аёл олий маълумотга эга бўлиши шарт, деган эзгу таламийлга асосан, 2025 йилда қўшимча равишда яна 4,8 мингдан зиёд сингларимизни олий ўқув юртига ўқишга кириш учун тайёрлаймиз.

Буларнинг бари йил сўнгидан – сарҳисоб ва режаларимизни яна бир қўздан кечириб асосида қоғозга тушган маълумот ва рақамларнинг бир қисми, холос. Уларга умумий ҳулоса ясаб айтилса, эзгу ташаббус ва ҳаракатлар мўл, мақсад ва муддаолар ундан ҳам зўр!

Демак, биздан талаб қилинадигани тинимсиз меҳнат, тўхтовсиз ҳаракат ва албатта, эртанги кунга бўлган ишонч. Бу йўлда ўзини раҳбарман деб ҳисоблаган инсоннинг сусткашликка, ўзибўларчилиқка йўл қўйишга асло маънавий ҳаққи йўқ.

Зотан, ҳурматли Президентимиз таъкидлаганларидек, тараққиётга фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқалигина эришиш мумкин.

Келаётган 2025 йил бутун халқимиз учун янада файзли ва ҳосиятли йил бўлсин!

**Зойир МИРЗАЕВ,**  
Тошкент вилояти ҳокими,  
сенатор

# Саноатимиз тарихида МИСЛСИЗ НАТИЖАЛАР

Ислохот ва истиқбол



Бу ҳақда гапирганда, "Қалмоққир", "Ангрен", "Чодак", "Хонжица"да жойлашган конларда, бойитиш фабрикалари, мис эритиш ва рух заводларида олиб борилган реконструкция ва модернизация жараёнлари, "Ёшлик-1" конини ўзлаштириш доирасида бошқа ишлаб чиқариш инфратузилмалари барпо этилаётганини қайд этиш лозим. Ана шундай муҳим ўзгаришлар туфайли комбинат мис ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги уттизта энг йирик мажмуа қаторидан муносиб ўрин олди.

Мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари учун стратегик аҳамиятга эга бўлган минерал бойликларни кенг қўламда ўзлаштиришнинг беқиёс имкониятларини ўзида мужассамлаштирган комбинатнинг солиқ

ги"га кирувчи туман ва шаҳарларда камидан 5 тадан корхонани жалб қилиб, кейинги йил комбинат импортини 25 млн. долларга камайтириш, мазкур йўналишда хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ва 1,5 млрд. доллар миқдорда экспортни амал-

тўхталиб ўтиш зарур. Йилига 60 млн. тонна маъданни қайта ишлаш, 894 минг тонна мис концентрати ва 1,5 минг тонна молибден концентратини ишлаб чиқаришни ташкил этадиган мазкур корхона иқтисодий самарадорлиги, ишлаб чиқариш тизими, замонавий ва энг илғор технологияларни ўзида мужассам этиши билан ажралиб туради.

Яқин давр истиқболларини белгилар эканмиш, янги мис эритиш мажмуасини бунёд этишни асосий стратегик вазифа сифатида кўрамиз. Ҳозирда 148 минг тонна мис католи ишлаб чиқарилаётган бўлса, янги мажмуа ишга тушиши билан бу кўрсаткич 300 минг тоннани ташкил этади.

Комбинатнинг муҳим маҳсулотларидан яна бири ҳисобланувчи сульфат кислотаси ишлаб чиқаришни 750 минг тоннадан 2,3 млн. тоннагача ошириш белгилаб олинган. Шу ўринда 2025 йил – Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили доирасида олиб борилаётган ва белгилаб олинган вазифаларга тўхталиб ўтиш зарур бўлади.

Барқарор ривожлантириш соҳаси, фойдали қазилмаларни бойитиш, метал-

2-Мис бойитиш фабрикасида 670 минг тонна шлакни қайта ишлаш, Поп туманида янги қурилаган қуёш фотозлектр станциясидан электр энергиясини етказиб беришни йилига 235 млн. кВт. соатга етказиш, карьерлардаги автосамосвалларни аккумулятор батареялари билан жиҳозлаш эвазига тўлиқ "яшил кон" мақомига ўтказиш, Ангрен кон бошқармасида оқова сувни тозалаш бўйича EPSI OY компаниясининг (Финляндия) пилот лойиҳасини амалга ошириш асосий вазифаларимиз сирасига киради.

Бундан ташқари, шу кунга қадар комбинатнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектларида умумий қуввати 9 минг 41 кВт. бўлган қуёш фотозлектр станциялари ўрнатилди. Жорий йилнинг 11 ойи давомида уларда 3 млн. кВт. соатдан кўпроқ электр энергияси ишлаб чиқарилди. Бу электр энергияси комбинат ва ижтимоий соҳа объектлари эҳтиёжлари учун йўналтирилмоқда.

Яна бир эътиборга молик жиҳат, комбинат ҳудудидан оқиб ўтувчи «Таначи-Бўка» каналига қуввати 30 кВт. соатни ташкил қилувчи гидротурбинали генератор ўрнатилди.

Бу каби ишларни янги 2025 йилда ҳам жадал давом эттирамиз. Хусусан, "Рақамли ОКМ – 2030" концепцияси доирасида комбинатда кенг қамровли ишлар давом этапти. Шунингдек, энергия самарадор янги технологияларни жорий этиш, трансформациялаш, тармоқларо кооперациясини кучайтириш, халқаро рейтинг индексларида компания мавқеини янада ошириш каби вазифалар янги босқичга кўтарилади.

Маълумки, кейинги йилларда кучли ижтимоий ҳимоя янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ушбу масалалар доим Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг диққат марказида бўлиб келди. Йилнинг биринчи ойда "Хонжица" кон бошқармасида 200 ўринли ётоқхона фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Тошкент вилоятининг ижтимоий соҳа объектларини (мактабгача таълим ташкилотлари, мактаблар, шифоналар, оилавий поликлиникалар) иситиш қозонлари ва иссиқлик тизимини таъмирлаш мақсадида 22,2 млрд. сўм ҳомийлик маблағи ажратилди.

"Юнусобод сити" ҳудудида подстанция ва 110 кВ. кабель тармоғини қуриш ишларига амалий ёрдам кўрсатилди. Ушбу

марказий поликлиникада капитал таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Таъмирлаш ойл якунига қадар тугалланиши белгиланган бўлиб, 2 млрд. сўмдан зиёд маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, шаҳримизда "Қурувчилар боғи", футбол клубимиз академияси тарбияланувчилари учун қурилган яшил майдонлар ҳам фойдаланишга топширилди.

Шу ўринда, давлатимиз раҳбарининг эътирофига сазовор бўлган Мухандислик мактаби хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Мазкур ўқув масканида 8 та ўқув ва 4 та лаборатория хоналари мавжуд. Технолоик ўқув цехлари эса 36 турдаги 217 та ускуна билан жиҳозланган. Энг асосийси, эндиликда ўқув жараёнлари Германиянинг Фрайберг кончилик академияси техника университети, "Aurubis" ва "GünterPapenburg" компанияларининг кадрлар тайёрлаш бўйича методологиялари асосида олиб борилади.

Маълумки, Ўзбекистон – қариялар қадрланган юрт. Комбинатимизда ҳам бу масалага доимо эътибор қаратиб келинади. 2024 йилнинг август ойида комбинат меҳнат фахрийлари учун "Нуронийлар маскани"нинг фойдаланишга топширилиши мазкур йўналишда олиб борилаётган хайрли ишлардан бири бўлди.

Комбинатимиз хайрия ишларидан ҳам четда турмайди. Мисол учун, Оққўрғон туманининг "Элтағали" маҳалласида қурилиб, фойдаланишга топширилган болалар боғчаси ва тураржой биноси туман аҳолисига жамоамиздан тўхфа бўлди. Икки қаватли бинода жойлашган мактабгача тарбия маскани 80 ўринга мўлжалланган. Шунингдек, бинодаги 14 та 2 хонали хонадон ҳам ўз эгаларига топширилди. Эндиликда боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 14 оила Янги йилни иккинчи хонадонларда кутиб олишади.

Шу ўринда спорт соҳасига ҳам тўхталсам. Жорий йилда комбинатимиз спортчилари ҳам қувонарли натижаларга эришишди. Хусусан, 2024 йилнинг май ва август ойларида гандбол бўйича Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё очиқ чемпионатида комбинатимиз эркаклар жамоаси 1-ўринни, аёллар жамоаси 2-ўринни эгаллашди. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кубоги баҳсларида гандболчи эркаклар жамоаси 1-ўрин, аёллар жамоаси эса 3-ўринни қўлга киритишди. Гандбол бўйича жамоаларимиз мамлакат чемпиони бўлишди. "ОКМК-В" аёллар футбол жамоаси мамлакат чемпионатида иккинчи ўрин соҳибига айланди. Профессинал футбол клубимиз суперлигада мавсумни 47 очко тўплаган ҳолда қумуш медаль билан якунлади ва жамоамизга "fair play" соврини топширилди.

Мухтасар айтганда, ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига йўл қўймаслик, муҳим инвестициявий лойиҳаларни ўз вақтида рўйга чиқариш, шу билан бирга, ишчи-ходимлар учун мақбул маший ва меҳнат шaroитларини яратиш, фаровон ҳаёт кўзгуси бўлган маданий-ижтимоий тармоқларни ривожлантириб бориш жамоамиз фаолиятининг бош мезонидир. Барча мақсад ва муддаоларимиз рўйбеда, албатта, давлатимизнинг, хусусан, Юртбошимизнинг доимий эътиборидан руҳ олиб, салоҳиятли ва аҳил меҳнат жамоамизга таянамиз.

**Абдулла ХУРСАНОВ,**  
"Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ  
Бошқаруви раиси,  
сенатор



тўловлари давлатимиз бюджетининг қарийб 10 фоизини ташкил этиб, энг кўп солиқ тўловчи корхоналар рўйхатида 2-ўринни эгаллайди.

Бугунги кунда комбинатимизда йилига 60 миллион тонна маъданни қайта ишлайдиган 3-Мис бойитиш фабрикаси қурилиши якунига етказилмоқда.

Жорий йилнинг 14-15 октябрь кунлари Президентимиз Тошкент вилоятига ташрифи чоғида Олмалиқда бўлиб, шундай қувватга эга янги 4-Мис бойитиш фабрикаси қурилишига старт берилди. Ушбу фабрикалар ишга тушиши билан комбинат бўйича йилига 160 миллион тонна хом ашёни қайта ишлаш имкони пайдо бўлади. Айтиш кераки, бу – Ўзбекистон саноати тарихидаги мислсиз натижадир.

Давлатимиз раҳбари вилоят фаоллари билан ўтказган мулоқотда вилоятнинг ҳали ишга солинмаган қатта имконият ва захиралари мавжудлигини таъкидлаб, унинг бир қатор салоҳиятли қирраларини кўрсатиб ўтар эканлар, Ангрен, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарлари, Пискент ва Оҳангарон туманларининг вилоят саноатидаги улуши 50 фоизни ташкил қилиши инobatга олинб, бу ҳудудда ишлаб чиқаришни кооперация ва кластер асосида ташкил этиш учун "саноат учбурчаги" дастурини тайёрлаш вазифасини ҳам қўйилди. Саноатнинг драйвер соҳаларининг бундай жадаллик билан ривожланиши вилоятимиз аҳолиси учун минглаб янги иш ўринлари яратилишига ҳам замин бўлмоқда.

Эътиборлиси, мана шундай қўламли ислохотлар туфайли Олмалиқ кон-металлургия комбинати кейинги йилларда ишлаб чиқараётган маҳсулотларидан билан нафақат юртимизда, балки жаҳонда ўз нуфузини муттасил мустаҳкамлаб бормоқда.

Натижаларни рақамларда баён этадиган бўлсак, жамоамиз жорий йилни 38,1 трлн. сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришдек жуда юксак маррани забт этиш билан якунламоқда.

Маҳаллийлаштириш ва тармоқларо кооперация алоқалари доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 3,9 трлн. сўмга етмоқда. Шу ўринда келгуси йилда 269 та маҳаллийлаштириш лойиҳалари доирасида 1,5 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъкидлаш ўринлидир.

Шу муносабат билан "саноат учбурча" (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



га ошириш имкониятлари мавжуд.

Бир пайтлар фаолиятини биргина "Қалмоққир" кони билан бошлаган комбинатимиз бугунги кунга келиб ўнлаб конларни, завод ва фабрикаларни ўзида бирлаштириб, тараққийнинг том маънодаги янги босқичга етиб келди. Бундай дейишга асослар етарли.

Президентимиз ташаббуси билан комбинатимизда "Ёшлик-1" конини ўзлаштириш бўйича ишлар жадал кетмоқда. "Ёшлик-1" кони ҳам Янги Ўзбекистоннинг ёшлари, янги авлоди учун юз очмоқда, десак хато қилмаймиз. Мазкур конни ўзлаштириш инвестиция лойиҳаси шубҳасиз, Олмалиқ кон-металлургия комбинати томонидан амалга оширилаётган ва жаҳон рангли металлургия саноатининг диққат марказида бўлиб турган мега-лоийҳа ҳисобланади.

Бугунги кунда "Ёшлик-1" конида устки қатламларни очиш ишларига 400 дан зиёд техникалар сафарбар этилган. Узунлиги 4,2 км. бўлган магистраль конвейерлар маъданни фабрика хом ашё омборига ташишга тайёрлади. Мазкур лойиҳа доирасида бир қатор замонавий рақамлаштирилган энергетика ва таъминот иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шу ўринда янги бунёд этилаётган 3-Мис бойитиш фабрикаси хусусида ҳам

лургия, нурда материаллари ишлаб чиқариш йўналишида дунёда ном қозongan "Metso Outotec" компанияси билан ҳамкорликда Рух заводи ҳудудида 2023 йилдан бошлаб барпо этилаётган 6-сульфат кислотаси цехининг истиқболлари аҳамиятга моликдир. Янги цех 180 минг тонна сульфат кислотаси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Янги цех ишга туширилиши билан технологик жараёнлар давомида ҳосил бўлган технологик газларни утилизация қилиш самарадорлиги оширилиб, атроф-муҳит муҳофазаси яшиланишига эришилади. Яшил иқтисодиётга ўтиш доирасида



ишларга 210 млрд. сўм маблағ сарфланди. Айни кунларда комбинат ҳомийлигида Бекобод шаҳридаги кўп тармоқли

# Президент совғаси — болажонлар қувончи



Хусусан, Нурафшон шаҳридаги Ёшлар марказида 3-15 ёшдаги ота-онадан қаровисиз қолган болалар, оилавий болалар уйлари тарбияла-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

нувчилари ҳамда хизмат бурчини ба-жариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар фарзандлари учун байрам тадбири ўтказилди.

Тадбирда Тошкент вилояти хоки-

ми Зойир Мирзаев сўзга чиқиб, болаларни байрам билан табриклаб, ўзининг самимий тилакларини билдирди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёш авлоди соғлом ва баркамол тарбиялаш, уларнинг муносиб шароитларда таълим-тарбия олиши ва улғайишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу йил ҳам ҳудудда масъул ташкилотлар ҳамкорлигида Янги йил байрамини юқори савияда ўтказиш, болажонларга қувонч улашиш учун пухта ҳозирлик кўрилди. Барча совғаларга 12 турдаги ўқув қуроллари ва 15 турдаги ширинликлар жамланган.

Президент совғаларини вилоят хокими болаларга тақдим этди.

Шундан сўнг мусиқали саҳна кўри-нишлари намойиш этилди. Кўзларида қувонч акс этган болажонлар Қорбобо, Қорқиз ва эртак қаҳрамонлари билан арча атрофида ўйнаб, суратга тушишди.

\*\*\*  
Қибрай туманидаги 42-сонли таянч-ҳаракатида нуқсонли бўлган болалар учун мутасолаштирилган мактаб-интернатда ташаббускор ва саховатпеша ҳомийларнинг кўмаги билан эътиборга муҳтож болалар учун Янги йил байрами тадбири ўтказилди.

Республика болалар ортопедия марказида даволаниб, мазкур мактабда таълим-тарбия олаётган таянч ҳаракатида нуқсонли бўлган болаларга устозлари томонидан саҳналаштирилган байрам тадбирида Қорбобо ва Қорқиз ҳамда турли эртак қаҳрамонларининг чиқишлари мурғак қалб эгалари ҳамда уларнинг ота-оналарига байрам кайфиятини улашди.

Тадбирда ташкилотчилар томонидан 150 нафар ўқувчи янги йил совғалари топширилди.

Бу каби байрам тадбирлари барча туман ва шаҳарларда давом этмоқда.  
**Ўз мухбиримиз**

## ■ Инсон, жамият, давлат

Нурафшон шаҳрида Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.

Унда вилоят Кенгаши депутатлари, сектор раҳбарлари, вилоят ҳокимининг тегишли ўринбосарлари, тегишли бошқарма ва ташкилот мутасаддилари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Кун тартибига кўра, сессияда депутатлар томонидан бир қатор масалалар кўриб чиқилди.

Дастлаб, Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг 2024 йил III чорақдаги ижроси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бу буйича вилоят Иқтисодиёт ва молия бошқармаси бошлиғи Ф.Худойбердиев ахборот берди. Хусусан, мазкур даврда маҳаллий бюджет даромадлари режаси 1 триллион 258 миллиард 100 миллион сўмни ташкил этган бўлса, амалда белгиланган режага нисбатан 107 фоизга бажарилган. Жорий йил вилоят маҳаллий бюджети жами харажатлар режаси 2 триллион 265 миллиард 500 миллион сўмни ташкил этиб, амалда сарфланиши камроқ бўлган.

Сессияда депутатлар томонидан бюджет даромадлари базасини кенгайтириш ҳамда маҳаллий бюджетга қўшимча солиқ тушириш манбалари имкониятларидан самарали фойдаланиш борасида сўз юритилди. Маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари режасига ўзгартиришларни белгиланган тартибда ҳисобга олиш, тегишли ҳудудий бюджет маблағ олувчиларнинг харажатлар миқдорига аниқлик киритиш лозимлиги борасида қарор қабул қилинди.

Шундан сўнг сессия ишида Тошкент вилоятининг 2025 йилги

маҳаллий бюджети муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, яқунланиб бораётган 2024 йил ҳудудда маҳаллий бюджет ижроси, шунингдек, келгуси йилда кутилаётган ўзгариш ва натижалар ҳақида ахборот берилди. Соҳалар кесимида амалга оширилаётган ишлар атрофлича кўриб чиқилди. Муҳокамада сўзга чиққанлар маҳаллий бюджетда кўзда тутилган даромад ва харажатлар, уларнинг адолатли тақсимланиши, эндиликда маҳаллий кенгашларнинг бу борада эътибор қаратиши лозим бўлган вазифаларга тўхталишди.

Сессияда 2025 йил бюджетни тўғрисидаги Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг қарори овозга кўйилди ва тасдиқланди. Унда Тошкент вилоятининг 2025 йилги маҳаллий бюджети муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикасининг "2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг 2025 йилги даромадлари 7 триллион 86 миллиард 895 миллион сўм, харажатлари 7 триллион 86 миллиард 895 миллион сўм этиб белгилангани қайд этилди.

Сессияда кун тартибидagi бошқа масалалар юзасидан ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

## ДЕПУТАТЛАР УЧУН МУҲИМ САБОҚЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорига мувофиқ, жорий йилнинг 23-24 декабрь кунлари Халқ депутатлари Навоий, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилояти ҳамда туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари учун икки кунлик ўқув семинарлари ташкил этилди.



Видеоконференцалоқа шаклида ўтган назарий мулоқотларда Сенат тузилмалари масъуллари, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари, ҳуқуқий экспертларнинг депутатлик мақоми, кенгашлар масъулияти, сайловчилар билан ишлаш, ислохотлар жараёнида

депутатнинг бурч ва ҳуқуқлари борасида маърузалари тингланди. Кенгашлар фаолияти билан боғлиқ зарур тажриба ва тавсиялар билан ўртоқлашилди.

Семинарларда Тошкент вилояти ҳамда туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари фаол иштирок этдилар.

# Давлат кадастрлари палатаси Тошкент вилояти бошқармаси жамоаси

## халқимизни яқинлашиб келаётган



# 2025 йил билан қутлайди!

**Янги йил Янги Ўзбекистонимиз учун янги марралар, янги ютуқлар олиб келсин!**  
**Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!**  
**Янги йилингиз муборак бўлсин, азизлар!**

## ■ Бунёдкорлик

# ЯНГИ ЙИЛГА ЯНГИ ТУҲФАЛАР

Чирчиқ шаҳрида охириги йиллар янги объектлар қуриш, мавжудларини капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда замонавий тарзда жиҳозлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, "Қуёш" маҳалласида жойлашган 24-сонли умумтаълим мактаби учун янги қурилган қўшимча бино Янги йил байрами олдидаги ўқувчиларга муносиб туҳфа бўлди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда шаҳар хокими Муроджон Абдурахимов, сектор раҳбарлари ҳамда мутасаддилар, ҳудуд фаоллари иштирок этишди.



Мактабнинг қўшимча 540 ўринли янги ўқув биноси ота-оналар, айниқса, ўқувчиларга хурсандчилик улашди. Боиси, мактабда синф хоналари етишмаслиги оқибатида дарс жараёнлари икки сменада ташкил этилар, бу эса, табиийки ўқувчилар ва устозлар учун ҳам ноқулайликлар туғдирад эди. Қурилишига 5 миллиард 210 миллион сўм сарфланган бинода ўқувчиларнинг замон талаблари асосида билим олишлари учун барча шароит яратилган.

Шунингдек, "Чинор" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳомийлик асосида қурилган икки қаватли "Ғунча" давлат мактабгача таълим ташкило-

ти ҳам фойдаланишга топширилди. Очилиш маросимида қайд этилганидек, мактабгача таълим ташкилотларини замон талаблари даражасида юқори савияда ташкил этиш, зарур анжомлар, малакали кадрлар билан таъминлаш етуқ, баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлади. Янги муассасада гуруҳ ва санитария-гигиена хоналари, тиббиёт хонаси, мусиқа зали, алоҳида ошхона, умумий овқатланиш зали ва ўйин майдончалари барпо этилган. Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний, ақлий, шахсий ривожланиши учун барча шароитлар мавжуд. Ушбу МТТга 360 нафар бола қабул қилиниб, белгиланган давлат

талаблари ва дастур асосида, малакали мутахассислар томонидан таълим-тарбия берилди. Муассасада болаларнинг ёши, қизиқиши ҳамда қобилиятидан келиб чиқиб, спорт, мусиқа, тил ўргатиш, расм тўғрақлари йўлга қўйилди.

Маълумот учун, жорий йилда инвестиция дастури доирасида Тошкент вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси тасарруфидаги 61 та таълим ташкилотларида қурилиш таъмирлаш ишлари олиб бориш учун жами 393 миллиард сўм маблағ ажратилди. Жумладан, 45 та умумтаълим мактабига 301,2 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб, қўшимча 15 минг 628 ўқувчи ўрни яратилди. Ҳозирда 16 та давлат мактабгача таълим ташкилотига 91,8 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб, қўшимча 2 минг 550 қувват яратилди.

Дастур доирасида қурилиш таъмирлаш ишлари олиб борилган 45 та умумтаълим мактаби, 16 та давлат мактабгача таълим ташкилотлари тўлиқ жиҳозланди. Бундан ташқари, вилоятдаги барча умумтаълим мактабларига 7 номдаги мусиқа ҳамда 5 номдаги бирламчи спорт жиҳозлари етказиб берилди.

Абдулазиз МУСЯЕВ

## ■ Байрам ярмаркалари

Вилоятимизда Янги йил байрамини ҳар доимдагидан ўзгача тарзда кутиб олиш учун қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Шу кунларда вилоятнинг қай қишлоқда бўлмасин, безатилган арчалар, чор атрофдаги ранг-баранг чироклар беихтиёр кўнглингизга илиқлик ва байрамона кайфият улашади.

## Ҳам арзон, ҳам сифатли

Албатта, ҳар қандай байрам тўқин дастурхон билан янада файзли бўлади. Айни кунларда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида анъанавий қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этилган. Қиш бошланиб, пишиқчилик мавсумидан анча узоқлашган бўлса ҳам, бозорлардаги сархил мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларининг мўл-кўллиги кўзни қувонтиради. Ярмаркаларда 50 турдан зиёд маҳсулотлар бозордагидан анча арзон нархларда сотилмоқда.

Айни пайтда вилоятда 22 та деҳқон бозори фаолият юритмоқда. Шунингдек, 388 та савдо ўринларидан иборат озиқ-овқат ярмаркалари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Мутасаддилар томонидан бозорлардаги нарх барқарорлигини таъминлаш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

— Рўзгор учун зарур маҳсулотларни шу ердан оляптим, — дейди янги-йўллик Дилдора Бегматова. — Бугун



ярмаркадан гўшт, тухум, картошка ва пиёз харид қилдим. Маҳсулотларнинг сифати яхши, нархи анча арзон. Байрам олдида бундай савдо ярмаркаларининг ташкил этилиши, дастурхонларимиз тўқин-сочин бўлишини таъминлайди. Яратилаётган қулайликлар учун ташкилотчиларга, ўз маҳсулотларини арзон нархларда сотаётган деҳқон, фермер ва тадбиркорларга раҳмат.

Арзонлаштирилган савдо ярмаркалари 2025 йилнинг январь ойида ҳам давом этади.

Ўз мухбиримиз  
Жалолiddин ЭСОНОВ  
олган сурат

## ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 январдаги ПФ-5-сон фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2024 йил 20 декабрдаги "Тошкент вилояти ҳудудларида қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни чиқинди полигонларига қабул қилиш ва сақлаш хизматлари учун ягона тарифларни белгилаш тўғрисида"ги VII-3-024-10-0-К/24-сон қарори қабул қилинди.

Қарорда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги "Чиқинди полигонларини бошқариш дирекцияси" Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси давлат муассасаси томонидан қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни ҳудудий полигонларга қабул қилиш ва сақлаш хизматлари учун:

- 1 м<sup>3</sup> учун ҚҚС билан 20 минг 37 (ҚҚСсиз 17 минг 890) сўм;
- 1 тн. учун ҚҚС билан 48 минг 633 (ҚҚСсиз 43 минг 423) сўм миқдоридан қабул қилиниши йўлга қўйилгани белгиланди.



# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БОШҚОНА БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

ҳамюртларимизни  
кириб келаётган

2025 йил билан  
самимий табриклайди!

Янги йил юртдошларимиз учун чексиз им-  
кониятлар, залворли ютуқлар йили бўлсин!  
Йил давомида хонадонларимизни бахт,  
омад ва хурсандчилик тарқ этмасин!  
Янги йилда Янги Ўзбекистони-  
миз бунданда гуллаб-яш-  
найверсин, азизлар!

2025

**Тошкентлик қизиқчилар усто-  
зи Тўхтамурод Азизовни сизга та-  
ништириб ўтиришимиз ҳожати бўл-  
маса керак. Аммо узунқулоқ гапларга  
қараганда у кишимиз ёшларда санъат-  
кор бўлмасам қаламқаш бўламан  
деб орзу қилган эканлар...**

— Тўғри, шундай бўлган, — дея му-  
лоқотни бошлади Тўхтамурод ака. — Ле-  
кин шуқрим, ҳозирги касбимдан ҳеч  
нопимайман. Чунки саҳнада биз ҳамма  
соҳа билан "шуғулланиб" кўрдик. Ёшлик-  
даги ниётларим эса фарзандларим, не-  
вараларим орқали рўёбга чиқяпти.

— Шу нарса аниқки, Адаш ака, кўн-  
гилда бир дард бўлса, у кишини шоир  
қилади. Усмирликдаги ўша орзунигиз  
армон бўлмаслиги учун шартта санъат  
деб соҳасига ўтиб кетганимиз?

— Энди, ука, ҳаёт бу — светфор-  
сиз чорраҳамас, шартта ўтиб кетади-  
ган. Ўта машаққатли йул бу. Бундан  
қирқ йилларча аввал шоғирдларим  
билан "Кўзгу" қизиқчилар театрини  
ташқил этишда хўл ижод қилганимиз.

— Тасаввур қиляпман: ўшанда  
"Кўзгу" деган театр эмас, би-  
роқ газета ё журнал очга-  
нингизда...

— Бир газетаям оч-  
моқчи бўлганим.  
Новвойхона қуриб,  
унинг ёнида.

— Қизиқ, газе-  
тани новвойхо-  
нага нима дахли  
бор?

— Бир санъат-  
кор дўстимиз Мад-  
рида борибди. У  
ернинг тўйларига  
меҳмонга, албатта,  
битта дастурмол совға  
қилишар экан. Ҳалиги  
рўмолчани олиб, энди ёғли  
қўлларини артмоқчи бўлса, мез-  
бон "хай-хай, тўхтанг" дебди. Нега деса,  
аввал рўмолчадаги маълумотларни ўқиб  
чиқинг, дер эмиш. Қараса, "А-4" формат-  
даги кўнгилочар газетани... дастурмол-  
га чоп этишганимиш! Европа саёҳатига  
чиққан ўша оғайнимиз Францияда бун-  
дан-да қизиқ насларни кўрибди: ҳамма  
газеталар вафлига босилган экан. Ях-  
ши-да, аввал савия ошади, кейин вазли!

— Демак, ана шу тажрибаларни  
Тошкентда қўлламоқчи бўлганисиз?  
— Отангизга балли! Масалан, "БУ-  
ЛОЧКА" деган ҳафтанома очиб қўйсақ,  
бир кунда уч маргалаб оша боради-  
ган бизнинг ўзбекларимиз шундай таом  
насларни олдида бефарқ ўтиб кетма-  
салар керак. Ундаги сарлавҳаларни қа-  
ранг: "Буюртма сомса"ни ўқинганимизми?  
"Табака"га обуна бўлинг!..." ёки "Қозон-ка-  
боб" — еган савоби! Каби...



— Тўхтамурод ака, энди "тарихнинг  
ўқилмаган саҳифалари"га ўтсак. Ай-  
тинг-чи, ҳаётда "қовун туширган" пай-  
тларингиз бўлганми?

— Албатта, болаликда нималар бўл-  
майди, дейсиз! "Чорсу" бозорига кўп бо-  
риб турардик. Гоҳо тарвузми, қовунми  
егимиз келса, деҳқонларга тарвуз-қо-  
вунини туширишга ёрдам берардик-да,  
кейин...

— Йўғ-ей, тушунтиролмадим, ше-  
килли... Оғайнингиз Ғулумжон Ёқубов-  
ни бир концертда аския қилиб, "қовун  
туширган" экансиз-ку!

— Аския қилмаганман, у билан қандай  
қилиб "машхур" бўлганимизни томоша-  
бинларга айтиб берганман, холос. Биз  
Ғулумжон билан қариндошимиз. У амма-  
нинг фарзанди, мен уни тоғасининг уғли-

бу бизни тўхтатиш учун ўйланган ҳийла  
экан. Хафа бўлиб тўйдан қайтаётсак,  
йўлда бир кимса: "Эртага бўшмисан-  
лар?" деб сўраб қолди. Суюниб: "Бўш  
бўлганда қандоқ! Хизмат борми, ака?"  
десақ, тўйхона манзилни тушунтирди.  
Эртасига оқшом у ерга етиб бордик. Қу-  
рилиши битмаган участка. Катта меҳмон-  
хонада ўн беш нафарча одам ўтирибди.  
Бизни яхши қарши олишди. Битта бақув-  
ватроғи, ёш болалар экан, дедими, икки-  
та табуретка қўйдириб, четроққа ўтқа-  
ди. Учинчи табуреткага дастурхон ёзиб,  
чой-нон қўйишди. Даврада роса хангома  
бўляпти. Ора-орада тўхтаб, биздан бир  
жуфт қўшиқ эшитишади. Аниқ эсимда,  
Ғулум айтган қўшиқлар орасида шундай  
сатрлари ҳам бор эди:

— Ҳар кимнинг пешонасига битган

## Тўхта, Мурод — Азиз сўхбатдош...

Ёхуд устоз қизиқчи Тўхтамурод Азизовнинг  
олтинчи омадини биласизми?

ман. 7-8-синф-  
ларда ўқиб  
юрган вақтла-  
римиз иккала-  
миз артист бў-  
лишни хоҳлаб  
қолдик. Шайхон-  
тоҳурдаги пионер  
уйида турли чолгу  
асобларни чалиш-  
ни ўргана бошладик.  
Ғулум рўбоб, мен доира  
чалардим. Аммо тўйга бора-

миз десақ, ҳеч ким тўйга айтмайди, денг.  
Ўзи бор-йўғи олтитача қўшиқ биламиз.  
Одамлар танисин деб, қизлар базими,  
кинчироқ тўйларни эшитиб қолсақ ҳам  
аралашиб юраварардик. Бир кун тўйга  
айтиб қўлишди. Хурсанд бўп кетдик-да,  
мен доирани қийқча ўрадим, у рубобни  
қўлқоққа олиб, мен доира  
чалардим. Аммо тўйга бора-

бахти бор..."  
Шу жойига келганда акашонлардан  
бири "Учир овозингни!" деди. Шарт тўх-  
тадик. Кейин билсак, ўтирганлардан би-  
рининг пешонасига тухумдек чўқурчаси  
бор экан. Ушанга тегиб кетибди... Улфат-  
лардан бири яқинлашди-да тайинлади:  
— Агар яна ашуланганда "пешона" деган  
жойи чикса айтмаларинг, хўпми! Ўрнига  
"елка-пелка" деб кетаверинглар!  
— Хўп, ака, тушундик!  
Шундай қилиб кейинги қўшиқни бош-  
ладик:  
— Куз келса ҳам шошиб биз томон,  
Қор ёкса ҳам борлиққа буткул...  
...деганимизда "Яш-шасин!" деб қў-  
йишади.  
— Сочларимга кирса ҳамки оқ,  
Сочларимга кирса ҳамки оқ...  
...дейди-ю, Ғулум ҳеч у ёғига ўтол-  
майди-да! Мен кулвормай деб доиранинг  
ортига беркиниб олганман. "Ҳа, пластин-  
кадай "чизиқли-қолдинми?" деб лўкма  
ташлашувди, у давом этди:  
— Елкамизни босса ҳам ажин...  
— Демак ҳаётда учрайдиган ана  
шундай вазиятларда пишиб, тобла-  
ниб, санъат йўлига тушиб қолган экан-  
сиз-да?

— Илгари одамлар тўйларда юради-  
ган санъаткорлар ҳақида кўп ҳам ижобий  
фикрда бўлишганми. Аммо тўй санъат-  
корни шунақанги чиниктирадими! Баъзан

## Ҳажвчидан икки табрик БОТИР БЎЛСАНГ ОР ЯХШИ

(Таниқли ижодкор Абдунаби Бойқўзиевнинг 70 йиллигига)

Ғурур билан ор яхши,  
Оҳанги зўр тор яхши,  
Қуллук қилманг, мағрурсиз,  
Қўрқоқларга — бор яхши.

Ҳар ноқасга эзилмас,  
Номардага ҳамроҳ бўлмас,  
Шайтонларга қўл бермас,  
Ботир бўлсанг — ор яхши.

Инсон умри — ҳалоллик,  
Гоҳ қора-ю, гоҳ оқлик,  
Гоҳ саҳнада, гоҳ йўқлик,  
Ёмғирдан сўнг қор яхши.

Ор бўп қолинг, акажон,  
Нор бўп қолинг, акажон,  
Сор бўп қолинг, акажон,  
Толдан ҳам чинор яхши.

## ИЛТИМОС, ТУПУРМАНГ!

ЖУРНАЛИСТ ВА БЛОГЕР  
РАСУЛ КУШЕРБОВГА ЯНГИ ЙИЛ ҲАЗИЛИ

Расулжон, Сизни Янги йил бай-  
рами билан самимий табриклайман.  
Сиздай фикр билдириб турадиган  
дадил инсонларнинг борлиги яхши.  
Энди, биламиз, жамият учун ҳам,  
одамлар учун ҳам фикрлар хил-  
ма-хиллиги жуда зарур. Айтишади-ку,  
ҳақиқат баҳсларда туғилади, деб.  
Камина ҳам сизнинг ижтимоий  
тармоқлардаги чиқишларингизни кўри-  
б бораман. Тўғриси, ҳамма фикр-  
ларингизга ҳам қўшилмайман.  
Бир қусурим бор, телефон ишла-  
тишни яхши билмаганим боис, лайк  
босишни ҳам қойиллатмайман. Энди  
пенсия одам тугмачани топши  
ҳам осон эмас... Баъзан топаман, ле-  
кин босишни ўйлаб кўраман.  
Укажон! Кўнглингизга олманг-у  
кейинги пайтларда бирор воқеа,  
ҳодиса ёки кимнингдир фикр-му-  
лоҳазасига муносабат билдириб  
бўлганингиздан кейин қўтилмаганда  
тупурадиган ғалати одат чиқардин-  
гиз. Очиғи, бу яхши қилиқ эмас. Ай-  
ниқса, маданиятли одамга умуман  
ярашмайди. Бир гапни айтиб қўяй,  
уйимда шўро замонидан қолиб кетган

бир противогаз (газ ниқоб) бор. Тупу-  
рингиз сачраб кетмасин деб, Ютубда-  
ги чиқишларингизни ўша газ ниқоб  
билан кўрадиган бўлдим.  
Ижтимоий тармоқлардаги турли  
чиқишларингизни айрим хангомата-  
лаблар, мухлисларингиз, зиёлилар,  
хуллас, аҳолининг турли қатламлари  
ҳам қизиқиш билан кўриб борадилар.  
Лекин тупуриш бўйича бераётган ма-  
даниятли "сабоқ"ларингизни ҳар ким  
ҳар хил қабул қилмапти-да! Айниқса,  
ёшларга салбий таъсир кўрсатаётган-  
нига гувоҳ бўляпмиз. Ҳамма бир-би-  
рига тупураверса, оқибати нима  
бўлади? Айрим жойларда тупуқзор-  
лар пайдо бўлиши ҳам мумкин.  
Расулжон! Сизни хурмат қилиб,  
Янги йил табриги ўрнида юборётган  
ушбу самимий ҳазилимни тўғри қа-  
бул қиласиз, деган умиддаман. Шу-  
нингдек, беғараз аканинг яхши кўрган  
укасига байрам ҳазили, деб тушу-  
нишингизни чин дилдан сўрайман.  
Ҳар қалай, байрам табригини ўқиб,  
каминага ҳам тупурмасангиз керак.  
Эсплатиб қўяй, ҳали газ ниқобимни  
ечганим йўқ.  
Яна бир бор Янги йилнингиз му-  
борак бўлсин!  
Табриклар муаллифи:  
Ашурали ЖўРАЕВ

## «ҲАҚИҚАТ» ЧОЙХОНАСИ



қалтис вазиятларга дуч келасиз. Ундан  
"соғ-омон" (яъни хижолатли аҳволга туш-  
май) чиқиб кетолган санъаткорни мен  
омадди ҳисоблайман.  
— Тўхтамурод ака, йигит кишига ҳа-  
ётда уч марта омад кулади, дейишади.  
Сизнинг ҳаётингизда...  
— Беш марта омади келган, деб ёза-  
веринг. Илк бор машхур ҳофиз ва аския-  
чи Расул қори Мамадалиев деган инсон-  
нинг дуосини олганимда. Бу санъаткор  
асли кўнлик, кўзлари ожиз киши эди.

обрў-этиборини кўриб, дилим фаҳрга  
тўлади. Шундай юлдузлардан "устоз"  
деган каломни эшитиш насиб этди. Бу —  
омад эмасми?  
— Гап ўз-ўзидан шоғирдларингизга  
тақалди.  
— Шоғирдларим ҳақида соатлаб га-  
пирсак бўлади. Бири-бириндан...  
— ... истездодли, демоқчимиз?  
— Йўғ-ей, "ўжар" денг! Вой буларнинг  
"тўполончи"лиги-ей! Тиними йўқ. Аммо  
маладес, ҳар бири ўз йўлини топиб ол-



TOSHKENT HAQIQATI  
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:  
TOSHKENT  
VILOYATI  
HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va  
"Tashkentskaya pravda"  
gazetalarini tahrir hay'ati:

- Zoyir MIRZAYEV  
(tahrir hay'ati raisi)
- Abdusamad NOSIROV
- Ummat MIRZAQULOV
- Hotamjon SAYDAQHMEDOV
- G'afurjon MUHAMEDOV
- Sayyora FAYZIYEVA
- Tohir ARIPOV
- Mahmud TOIR
- Uskenboy ATEMOV
- Abdulla XURSANOV
- Kumush EGAMBERDIYEVA
- Behzod QOBULOV
- Olimjon BEGALIYEV
- Zarifa ERALIYEVA
- Sergey MUTIN

Bosh muharrir:  
G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:  
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:  
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:  
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:  
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:  
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Mas'ul kotib:  
Alloma AZIZOVA  
Navbatchi:  
Nozima RASULOVA

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.

Bosishga topshirildi - 17:30

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-1235.

2 830 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy  
kommunikatsiyalar boshqarmasida  
2011-yil 12-yanvarda  
03-001 raqami bilan  
ro'yxatga olingan.

Manzil:  
111500, Nurafshon shahri,  
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.  
Toshkent shahridagi  
ofisimiz: Bektemir tumani,  
Ittifoq ko'chasi, 2.  
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»  
tahririyati kompyuter markazida  
terildi va Tohir Mahmudxo'jayev  
tomonidan sahifalandi.

Haftaning  
chorshanba va shanba  
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida bosildi.

Korxonaning manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Tuxtamurod AZIZOV bilan  
Tuxtamurod XASANBOEV  
suxbatlashdi  
1 2 3 4 5 6

# Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази жамоаси

*Барча юртдошларимизни кириб келаётган*  
**2025 йил** билан салимий муборакбод этади!

Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилида амалга оширишни режалаштираётган эзгу ишларингизда улкан зафарлар тилайди!

Янги йилда хонадонларимиздан файзу барака, дастурхонларимиздан тўкин-сочинлик аримасин!

**Янги Ўзбекистонимиз тинчлигига кўз тегмасин!**



# 2025

январь

Ду	Се	Чор	Па	Жу	Ша	Як
		1	2	3	4	5
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30	31		

февраль

Ду	Се	Чор	Па	Жу	Ша	Як
					1	2
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28		

март

Ду	Се	Чор	Па	Жу	Ша	Як
					1	2
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28	29	30
31						

апрель

Ду	Се	Чор	Па	Жу	Ша	Як
		1	2	3	4	5
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30			

май

Ду	Се	Чор	Па	Жу	Ша	Як
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30	31	

июнь

Ду	Се	Чор	Па	Жу	Ша	Як
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30						

июль

Ду	Се	Чор	Па	Жу	Ша	Як
1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
29	30	31				

август

Ду	Се	Чор	Па	Жу	Ша	Як
				1	2	3
4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17
18	19	20	21	22	23	24
25	26	27	28	29	30	31

сентябрь

Ду	Се	Чор	Па	Жу	Ша	Як
1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
29	30					

октябрь

Ду	Се	Чор	Па	Жу	Ша	Як
		1	2	3	4	5
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30	31		

ноябрь

Ду	Се	Чор	Па	Жу	Ша	Як
					1	2
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28	29	30

декабрь

Ду	Се	Чор	Па	Жу	Ша	Як
1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
29	30	31				